



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

www.uzas.uz

2017-yil 15-dekabr №51 (4449)

ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Сооранбай Жээнбеков 14 декабрь кuni «Ўзэкс-помарказ»да ташкил этилган мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди.

Кўргазмада мамлакатимиз сўнгги йилларда иқтисодиёт соҳасида эришган ютуқлар, саноатнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган компаниялар маҳсулотлари, илмий-ишлаб чиқариш марказларининг инновацион лойиҳа ва ишланмалари намойиш этилмоқда.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришда бундай кўргазмалар муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар.

Қирғизистон Президенти мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга юқори баҳо берди.

Сооранбай Жээнбеков Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистон Респуб-

ликасида давлат ташрифи чоғида имзоланган Парламентлараро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум бу соҳадаги алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этгани таъкидланди.

Сооранбай Жээнбеков жорий йил мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида туб бурилиш даври бўлгани, ҳамкорликнинг бугунги даражасини сақлаб қолши ва изчил давом эттириш муҳимлигини қайд этди.

Тобора ривожланиб бораётган ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида ўзаро ташрифлар амалга ошириш, қонунчиликдаги янгиликлардан бири-бирини хабардор қилиб бориш бўйича фикр алмашилди.

Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеші делегациясининг 21 декабрда

Ўзбекистонга ташрифи парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Қирғизистон Республикаси Президенти Сооранбай Жээнбеков Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази хабар қилишича, Қирғизистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи якунлари бўйича савдо ва кооперация соҳасида умумий қиймати қарийб 140 миллион АҚШ доллари бўлган битим ва шартномалар имзоланди.

Шу билан Қирғизистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи якунига етди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Сооранбай Жээнбековни Ислон Каримов номидаги Тошкент халқро аэропортида кузатиб қўйди.

ЎЗА

ҲАЁТНИНГ БАҚУВВАТ УСТУНИ

Устоз шоиримиз Ҳамид Олимжон юртимиз мадҳида битган гўзал шеърларидан бирида: «Сенинг жаннат водийларингдан, Наҳрлардай тўлиб оқурман», деб ёзган эди. Бугун ана шу жаннат водийларимизда бобо офтобнинг бекиёс сеҳрию ўзбек деҳқонининг қайноқ меҳри билан пишиб етилган ширин-шакар мевалар, болдан ҳам тотли узумлар, таъми тил ёрар қовунларни татиб кўрган жумлаи жаҳон Ўзбекистон Ер юзининг жаннати эканлигига иқрор бўлаётир.

Бу фикримизга Тошкент ва Нью-Йоркни бир-бири билан тўғридан-тўғри боғловчи улкан ҳаво кемаларидан икитаси зироатчилик неъматларини ташишга мослаб қайта жиҳозлангани яққол далил бўла олади. Негаки, олис

тийиндан, Сурхондарёнинг Олтинсойида етилган тиллоранг узумларни эса атиги тўрт тийиндан сотишга мажбур бўлинган ўтмиш замонлар эсга тушади. Мустақиллигимиз шарофати билан эндиликда бу неъматларни бободоҳқоннинг

пешона терига арзийдиган нархнавода жаҳон бозорига чиқаришга кенг йўл очилди. Ноз-неъматларимиз машинаю поездлардагина эмас, йирик ҳаво кемалари орқали ҳам дунёнинг энг олис қиъғаларидаги манзилларга етказиб берилаётгани эса Ўзбекистон бу борада тенгсиз имкониятларга эга эканини амалда намоён этаётир.

Шу ўринда истиқлолнинг илк йиллари Бухоронинг Ромитон туманида ўзим гувоҳ бўлган бир манзара кўз олдимга келади. Ўшанда маҳаллий тадбиркорлардан бири мева ва сабзавотларни қайта ишлаш бўйича кичик корхона очиб, яқин хориждан олиб келинган бир технология билан таништирган эди. Ўрик, олма, шафтоли каби мевалар ҳамда помидор айланиб пишиб етилган пайтда аҳолидан харид қилиниб, қайта ишлаш жараёнида қиём ҳолидаги экстракта айлантирилган экан.

Давоми иккинчи саҳифада.



америкаликлар ҳам эндиликда юртимизда етиштирилган меваларнинг таъмию саломатлик учун фойдасига юксак баҳо бериб, сархил ноз-неъматларимиз қадрини баланд тутишмоқда.

Шу ҳақда ўйлар эканман, шўролар даврида Хоразмнинг машҳур қовунларини килосига бир

ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ

Чингиз Айтматов номи дунё китобхоналарига яхши таниш ва қадрли. Буюк қирғиз ёзувчиси ва давлат арбобининг бетакдор асарлари ўзбек ўқувчиларининг ҳам меҳрини қозонган.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов таваллуд топган сана муносабати билан илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Адабиётшунос олимлар, академиклар, ёзувчи-шоир-

лар, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этган тадбирда университет проректори Олимжон Холмухамедов, Хорижий филология факультети декани Ирода Жўраева, адабиётшунос олимлар Суворон Мели, Аҳмаддон Мелибоев давлат ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзладилар.

Забардаст ёзувчининг дилбар қиссалари, моҳиятан тегран, тимсолларга бой романлари Асил Рашидов, Иброҳим Гафуров ва бошқа тар-

жимонлар томонидан она тилимизга маҳорат билан таржима қилинган. Университет қошида ташкил этилган "Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон" доимий экспозициясидан ўрин олган асарларни ўқиган китобхон инсоний қадриятлар, ўзгармас маънавий қонуниятлардан боҳабар бўлади, оламни нозик мушоҳада этувчи донишманд адиб маҳоратидан ҳайратга тушади.

→ 3

ЖАҲОНШУМУЛ АДИБ ЁДИ

Қозоқ миллий адабиёти нуфузини жаҳонга ёйган Мухтор Аvezов йигирманчи аср қозоқ адабиёти ва қардош халқлар адабиётининг ривожига ҳам катта ҳисса қўшган буюк адибдир. Катта истеъдод ва ғайрат билан ижод қилган ёзувчининг 120 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий кеча бўлиб ўтди.

Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Қозоқ миллий маданий маркази ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда адабиётшунос олимлар, ёзувчилар ва профессор-ўқитувчилар иштирок этди.

Уюшма раиси, Халқ ёзувчиси Мухаммад Али қозоқ адиби ва жамоат арбоби, акаде-

мик Мухтор Аvezов асарлари фақат мазмуни билан эмас, балки ўзининг эстетик жозибаси билан ҳам китобхонни мафтун этишини таъкидлаб ўтди. Тадбирда сўз олган профессорлар Калдибек Сейданов, Эргаш Авдувалидов ва бошқалар адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, асарларининг тили, жаҳон адабиётдаги ўрни ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Жумладан, академик Бахтиёр Назаров жаҳон адабиётини Мухтор Аvezовнинг тутган мавқеи ҳақида сўзлади. Тадбирда улуг адибнинг ўғли, академик Марат Аvezов ҳам иштирок этиб, Мухтор Аvezовнинг ўзбекистонлик мухлисларига ўз миннатдорлигини билдирди.

МУҲАММАД ЮСУФ НОМИДА ХИЁБОН

Президентимиз ташаббуси билан Андижон шаҳрида ташкил этилган Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиётни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашган мактаб-интернат жорий ўқув йилидан фаолият кўрсата бошлади. Мактаб қошида Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда "Мухаммад Юсуф издошлари" адабий тўғараги ҳамда шоир ҳаёти ва ижодини кенг ёритувчи музей ҳам ташкил этилган. Музейда давлатимиз ва халқимиз томонидан шоир хотирасига қаратилган юксак эътибор, номини абадийлаштириш бўйича қабул қилинган муҳим ҳужжатлар ҳам ёритилган.

Мактаб ёнидаги Мухаммад Юсуф хиёбонига моҳир ҳайкалтарош Шохруҳ Ўрозов томонидан замонавий ва миллий мезморлик аънаналари асосида яратилган шоирнинг бюсти ўрнатилди. Куни кеча ушбу маърифий масканларнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Шухратбек Абдурахмонов анжуманини очиб, Мухаммад Юсуф нафақат халқимизнинг сеvimли шоири, балки ватанпарвар фарзанд экани, ушбу маърифий масканлар юртдошларимиз учун муносиб тўғра экани ҳақида гапириб, ёш истеъдодлар мактаби келгусида қўллаб-йиждорларни кашф этишига умид билдирди. Шунингдек, шоир ва ёзувчилардан Қамчибек Кенжа, шоирнинг рафикаси Назира ас-Салом, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Саидабону Абдусаломова ва бошқалар сўзга чиқди.

Хуршида ҚҲЧКОВА

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ МАНЗАРАЛАРИ

Кейинги бир йилда барчамиз мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлиб, бу жараёнда бевосита иштирок этмоқдамиз. Ҳеч шубҳасиз, халқимиз йиллар давомида орзу қилган шундай ёруғ, эркин ва фаровон ҳаётни қўриш, унинг натижасидан баҳраманд бўлиш — ҳар биримиз учун катта бахт.

Албатта, бу ўзгаришлар замирида муҳтарам Президентимиз томонидан олиб борилаётган, ҳар бир масалага халқимиз манфаатлари нуктаи назаридан қарашга асосланган янгича, конструктив ва амалий руҳдаги сиёсат муҳасам. Давлатимиз раҳбари қабул қилаётган ҳар бир фармон ва қарор, илгари сурилаётган стратегия қарор буюк келажагимиз йўлида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини синчиклаб ўқир эканмиз, ҳам бугунги, ҳам эртанги тараққиётимиз манзаралари кўз олдимизда яққол намоён бўлади. Ушбу тарихий ҳужжатда ўтган 25 йил давомида мамлакатимизда Асосий қонуни-миз асосида эришилган ютуқлар чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги долзарб вазифалар аниқ-равшан кўрсатиб берилган.

Конституциямизда қонунийлик ва қонуни устуворлиги, халқ ҳокимияти, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, фундаментал

демократик қадриятлар бўлган хусусий мулк дахлсизлиги, ижтимоий-иқтисодий фаолият эркинлиги, ёрдамга муҳтож қатламларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш каби принципиал масалалар ифодасини топган. Бу эса тараққиётимизнинг бугунги босқичида демократик ислохотларни чуқурлаштириш йўлида янги-янги имкониятлар очмоқда.



Президентимиз маърузасида шу жиҳатларнинг барчаси инobatга олиниб, муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Масалан, давлат органлари ва муассасаларига, халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича конституциявий тамойил асосида оммавий учрашувларда мурожаатларни қабул қилиш тарти-

би белгилангани таъкидланди. «Бугунги кунда фуқароларимиз мансабдорлар олдида эмас, балки мансабдор шахсларнинг ўзи халқимиз олдида бормоқда», деб бундай туб тарихий ўзгаришларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди давлатимиз раҳбари.

Яширишнинг ҳожасти йўқ, илгари «суд», «прокуратура», «милиция», «солиқ инспекцияси» деган сўзларни эшитса, ҳар қандай жасур инсоннинг ҳам ичига титроқ қиар, ҳаловати бузилар эди. Чунки бу идоралар собиқ мустабид тузум даврида одамларни қўрқитиш, ҳар қандай ҳолатда ҳам репрессив методларни қўллаш билан шуғулланиб келар эди. Бугун ҳаётимиз шунчалик ўзгариб бориляптики, бир пайтлар эл-юрт ўртасида «вахима уруғи»ни сочган ана шу идораларнинг катта-кичик раҳбарлари кабинетларидан чиқиб, халқ ичига бормоқда, асосий вазифаси оддий одамларга хизмат қилиш эканини амалда кўрсатмоқда.

Муносабат

Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий этилган янги институт — оммавий учрашувлар пайтида мурожаатларни қабул қилиш тартиби титроқ қиар, ҳаловати бузилар эди. Чунки бу идоралар собиқ мустабид тузум даврида одамларни қўрқитиш, ҳар қандай ҳолатда ҳам репрессив методларни қўллаш билан шуғулланиб келар эди. Бугун ҳаётимиз шунчалик ўзгариб бориляптики, бир пайтлар эл-юрт ўртасида «вахима уруғи»ни сочган ана шу идораларнинг катта-кичик раҳбарлари кабинетларидан чиқиб, халқ ичига бормоқда, асосий вазифаси оддий одамларга хизмат қилиш эканини амалда кўрсатмоқда.

Давоми иккинчи саҳифада.

НАВОИЙДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ

Атоқли адиб, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Иброҳим Гафуров таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан Навоий вилоятида адабий учрашувлар бўлиб ўтди.

Навоий давлат педагогика институтида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Сайди Умиров, ёзувчи ва шоирлар — Хуршид Дўстмуҳаммад, Ҳабиб Темиров, Ашуралӣ Жўраев, Азим Суён ва бошқалар устоз адибнинг ҳаёт йўли, ижодий сабоқлари ҳақида тўлқинланиб гапиришди.

Навоий давлат педагогика институти ректори Бахтиёр Дониёров, филология фанлари доктори Абдухамид Холмуродов Иброҳим Гафуров ижодининг ўзига хос фазилатлари, таржима соҳасидаги ютуқларини тилга олишди.

Кармана мусиқа мактабидаги учрашув таниқли адибимизнинг мухлислари учун байрамга айланди. "Эзгуликка бахшида умр" деб номланган адабий кечада олимнинг ўзбек адабиётига қўшган улкан ҳисаси, таржимонлик фаолияти алоҳида эътироф этилди. Ҳассос ижодкор фаолияти давомида Эрнест Хэмингуэй, Чингиз Айтматов, Фёдор Достоевский, Валентин Распутин, Ги де Мопассан, Габриэль Гарсиа Маркес, Жеймс Жойс асарларини ўзбекчага маҳорат билан таржима қилган. Тадбирда Иброҳим Гафуров яратган таржимачилик мактаби хусусида алоҳида фикр билдирилди.

— Адабиётимизга тафаккурни ўзгартира оладиган ижодкорлар керак, — дея таъкидлади шоир Азиз Саид Қизилтепа шаҳридаги "Нафосат" маданият саройида ўтказилган учрашувда. — Иброҳим Гафуров ана шундай

салоҳиятга эга инсон. У кишининг ижодини ўқиш учун, аввало, руҳий тайёргарлик лозим. Бу асарлар кишига улкан маънавий қувват беради.

— Биз кўпинча яшаб ўтган адиблар, шоирлар ва бошқаларни мутафаккир сифатида тан оламиз, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Одил Хотамов. — Бироқ бугунги кунда биз билан бирга яшаётган мутафаккирлар ҳам йўқ эмас. Шунининбатга олсак, уларнинг ижодини чуқур ўрганиш барчамиз учун зарурдир.

"Нихол" мукофоти совриндори Шерзод Шодиев, Отажон Худойшукуров номидаги республика танлови ғолиби, истеъдодли боланда Ҳамза Саидов ижроларидаги хозинали куй ва қўшиқлар адабий кечага файз бағишлади.

Озод МУСТАФОВ

«АГАР ИШҚИНГ ҲАВОСИДА...»

Алишер Навоийнинг ошиқона руҳда ёзилган ҳар бир ғазали замирида "ошиқи покбоз"-нинг ҳолати, сурату сийрати ва унинг ботиний ҳазинлиги акс этган. Албатта, ошқининг ҳижрон онларидаги маҳзун аҳволи руҳияси, тимсол-тасвири, аслида, миллий мумтоз адабиётимиздаги энг кўҳна мавзулардандир. Лекин шу кўҳна мавзу Ҳазратнинг шеърларида янги-янги кўринишларда давом этган. Улуғ шоир ижодидаги бундай ғазаллар зоҳирий ва ботиний бадий кайфият уйғунлигининг маҳсули бўлиб, уларнинг аксари "ҳасби ҳол" руҳида ёзилган. Ана шундай ғазаллар сирасига кирувчи «Наводир уш-шабоб» («Игитлик нодирликлари»)нинг 504-ғазалини тўла келтирамыз:

Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўласун,
Нилона ҳар бирнга, дермен, ушбу хаста бош ўласун.
Юзунгунг меҳридан бир зарра сотмон, гар фалак жаффи,
Тўла бўлсун филурий, ҳар филурий бир кўш ўласун.
Ситам зангин темирдек кўнглидин, ваҳким, қира олмас,
Нечаким нолаи зоримда сўхондек харош ўласун.
Кўшнинг бўлмас, эй гардун, ул ойга айламак ташбих,
Оғиз гар зарра, Чўлпон — кўз, янги ой анга қош ўласун.
Агар пайқонларинг кўз истабон топти кўнгул, гам йўқ,
Келиб йиллар маҳал ул қатра сулар кўзга ёш ўласун.
Сипоҳий ҳуснунига бир маҳчаси рахшон алам бўлғай,
Кўш кўзусига оҳим сутуни гар тутшо ўласун.
Кўнгулда сирри ишқин асрай-асрай ўлдум, эй соқий,
Қадаҳ тутким, харобот аҳлига фош ўлас фош ўласун.
Кўнгулга жон била бир доинг олдур, қўй яна бир ҳам,
Неча икки гадога бир дирам узра талаш ўласун.
Уларда тенгдурр шох айласун гулшан гулин мафраш,
Вагар гулхан кули узра гадо соҳибфирош ўласун.
Навоий ашк дурридек тиларким кўзла ер бергай,
Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўласун.

Ушбу ўн байтга ғазал азалий сурат ва маъно мутаносиблигига қай тарзда дахлдорлиги ҳақидаги тасаввуримизни янада кенгайтиришда муҳим адабий манба бўлиб хизмат қилади. Энди байтлар шарҳига ўтайлик.

Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўласун,
Нилона ҳар бирнга, дермен, ушбу хаста бош ўласун.
Бу матлаб бағоят жўшқин кайфиятда ёзилган бўлиб, ғазалинг бутун мазмун-моҳиятини, аниқроғи, ошқининг аҳволи руҳиясини яққол намоён қилади: агар илоҳий жазба теккан ошқ кўнглим, яъни ишқ ҳавоси ичра ёр ишқи кўйида руҳий парвоз қилар маҳалимда фалакдан дўл ёғса тош бўлсин. Чунки чин ошқ учун кавну макон кенликлари ҳам пикант эмас. Илло, у руҳий ҳаракатда — бу йўлда фано бўлишга тайёр. Бунга бир белги сифатида, аввало, бу "ошиқи покбоз", яъни илоҳий ишқ кўйида бемор — Навоий тошга айланган ёғилларга бош бўлсин. Бу тасвир ғазал мисралари оша давом этади:

Юзунгунг меҳридан бир зарра сотмон,
гар фалак жаффи,
Тўла бўлсун филурий, ҳар филурий бир кўш ўласун.
Юз(сурат)нинг Навоий тахайюл ва тасаввурида жилланган муҳассами, айниқса, Румий ҳазратлари талқинида янада равшанлашади: "Сурат(юз) ишқ нуридир. Чунки ишқсиз у ҳам қийматдан маҳрум. Нур аслсиз номажуд нарса. Шунга кўра, Тангрига сурат дейилмағандек, нур ҳам дейилмайди. Чунки сурат нурдир.

Бир: «Ишқ суратинг бўлмаганига», рўёбга чиқмаганига кўра суратнинг нури бўлиши керак» — дейди. Биз: «Ишқ суратсиз нечун тасаввур этилмасин?», — деймиз. Ҳатто суратни ишқ майдонга келтирди ва ундан юз-минглаб сурат ҳосил бўлди. Булар айна замонда рўёбга чиққан, шаклу шамоийл олган суратлардир». Зеро, юз илоҳиёт жамолнинг тимсоли ва комил инсон чехрасидир. Шу маънода ушбу байт мазмуни куйидагича: Эй ёр, юзунгунг меҳридан, яъни нуридан ҳам бирор зарра сота олмайман. Чунки сенинг қуёшдек меҳринг, яъни нуринг менинг ошқ қалбимни қиздирди. Жамолнинг мушоҳадаси кўнглимда кучли завқ-шавақ пайдо қилиб бўлди. Шундай экан, демек, бу ишни қилмаслик эвазига менга фалак қуёшдек-қуёшдек келадиган тилларни ҳада этса ҳам мен уларни рад этаман.

Ситам зангин темирдек кўнглидин, ваҳким, қира олмас,
Нечаким нолаи зоримда сўхондек харош ўласун.

Янги нашрлар

МАҲОРАТ ТАҲЛИЛЛАРИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али улуғ Соҳибқирон бобомиз меросининг толам тарғиботчиси, шонли тарихимизни "жонлангириб", ўткир дидли муҳлислар қалбига ҳам йўл топа олган маҳоратли адибдир. Ёзувчининг "Улуғ салтанат" тетралогияси қисқа муддат — қарийб уч йил ичида икки марта нашр

чини Шахс сифатида кўрсатишни мақсад қилган ва бу вазифани уудалаган. Филология фанлари доктори, профессор Дамин Тўраевнинг "Ўзбек тетралогияси" монографияси ("Академнашг" нашриёти, 2017) "Улуғ салтанат" роман-тетралогиясининг жанр

ган ўттиздан зиёд мақолада "Улуғ салтанат"нинг ўзига хос жанр хусусиятлари, ундаги тарихий воқеликнинг бадий талқини ва Амир Темур сиймоси, унинг авлодлари ҳаёти ва фаолиятини ёритишдаги ўзига хос бадий кашфиётлар таҳлил қилинган.

"Улуғ салтанат"нинг биринчи китоби 2003 йилда босилиб чиққан бўлса, тўрт китобдан иборат роман-эпопея тўлиқ ҳолда 2014 йилда дунё юзини кўрди. Тазкидаш жоизки, эпопея ўқувчилар томонидан қизгин қутиб олинди. Асарга қизиқиш йилдан-йилга ортиб бораётгани қувонарлидир. Эпопеянинг биринчи китоби бўлиши "Жаҳонгир Мирзо"нинг турк тилига (2008), 1-2-китоблари 2015-2016 йилларда рус тилига таржима қилиниб, нашр этилгани ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Зеро, буюқ Амир Темур бобомиз сиймоси, ҳаёти ва тарихи халқимизнинг бойлиги, миллий ғуруримиздир.

Ушбу китобда мазкур салмоқли асар ҳақида халқимизнинг таниқли адиблари, адабиётшунослар ва тарихчи олимлари ёзган мақолалар жамланган. Уларда "Улуғ салтанат"нинг ўзига хос жанр хусусиятлари, тарихий воқеликнинг бадий талқини ва Амир Темур сиймоси, унинг авлодлари ҳаёти ва фаолиятини ёритишдаги ўзига хос бадий ютуқлари чуқур таҳлил қилинган.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ

лоғи. Қадаҳ — май ичиладиган идиш, ориф инсон қалби. Харобот — пир даргоҳи, пири комил ҳузури, комил инсонлар йигини. Ана шу маъноларга кўра байт мазмуни куйидагича: кўнглида ишқ сирин асрайвериб тоқатим тоқ бўлди. Эй пир, комил инсонлар аҳлига бу махфий сирим, яъни Ҳаққа ошқиклим ошкор бўлса бўлсин, энди менга "қадаҳ" тут!

Кўнгулга жон била бир доинг олдур, қўй яна бир ҳам, Неча икки гадога бир дирам узра талаш ўласун. Маълумки, мумтоз адабиётда доғ сўзи "куюк", "куйган жой"; "қоралик"; "қиздирилган темир билан инсон ёки ҳайвонлар танасига босилган белги", "нишон", "нақш", "из", "жароҳат" ва "ғам-андух" сингари маъноларда келадди. Байтда эса, доғ сўзи кўпроқ "ғам-андух" маъносиде келган.

Байт мазмуни куйидагича: икки гадо бир дирам устида талашгани унинг камлигидандир... Лекин сен кўнглини унга ташбих қила кўрма! Ахир, кўнгли битта бўлса ҳам, унга битта ғам-андухинг камлик қилади, шу туфайли яна ғам-андухлар кўшавер!

Уларда тенгдурр шох айласун гулшан гулин мафраш,
Вагар гулхан кули узра гадо соҳибфирош ўласун.



Бу байтда шундай ҳикматли маъно бор: майли, бу ўткинчи дунёда шох ҳатто дунёдаги барча чаманзор гулларида гилам қилиб устида ўтирсин, гадо эса, бунинг акси ўларок, гулхан қулидан ўзига тўшақ қилсин. Аммо ҳар иккиси ҳам оламдан ўтганлар сўнг улардаги ўша фарқ йўқолади, яъни уларда тенглик пайдо бўлади.

Улуғ шоирнинг ушбу ғазалида матлабдаги биринчи мисра мақтада иккинчи мисра бўлиб қайтарилади. Мумтоз адабиётда бу санъат лафзий санъат турларидан ҳисобланмиш, у "ради матлаб" деб юритилади. Бу

ҳолатни ушбу ғазалининг мақтаидан бўлиб олиш мумкин:

Навоий ашк дурридек тиларким кўзла ер бергай,
Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўласун.

Мақта маъноси: Навоий кўзида абадий макон туттиш учун дуру жаҳоҳирга ўхшаш кўз ёш иштайди. Гарчи бу йўлда, яъни ёр ишқига етишиш орзуси йўлида кўкдан ёғаётган ҳар бир дўл унинг бошига тошдек урилсин. Лекин у бу ботиний аҳдидан ҳеч вақт қайтмайди, аксинча, унга тоабод содиқ қолади.

Умуман, ғазал, хусусан, ундаги "юз", "ишқ" ва "ҳусн қамол" образлари замиридаги туйғу ва тимсолларнинг беназиру бетақдорлиги кишини ҳайратга солади. У ботинан ишқ маъноларига бойлиги, суратан эса, ишқ йўлида бетимсол қийсиқликни ўзида жо этган бадий тафаккур маҳсули сифатида Ҳазрат ғазалиётда муҳим ўрин тутди. Бу ғазал китобхон тасавурида ишқини сурату суръатлангир ва унинг тафаккур тарзида янгича бир эврилиш пайдо қилади.

Манзар АБДУЛХАЙРОВ,
филология фанлари номзоди

МУМТОЗ ШЕЪРИЯТ ФИДОЙИСИ

Мумтоз адабиёт фидойиси, заҳматкаш олим, санъаткор хаттот Жалолидин Юсуфий 1945 йилда Самарқанд (ҳозирги Навоий) вилоятининг Хатирчи туманида зиёли ўқитувчи оилаида дунёга келган. У кишининг ўлмас шеърят борасидаги беминнат хизматлари қадрлиб, 1984 йили Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган эди. Бу маънавий эътибор шoirтабиат олимни янада руҳлантирди ва у ғайрат, шижоат билан илмий-ижодий ишга киришди.

Машраб ижоди борасида кўп муҳтарам олимлар хайрли ишлар қилиб, илмий-тадқиқий мақолалар ёзганлар. Булар орасида Жалолидин Юсуфийнинг хизматлари беқиёсдир. Машраб шеърятини шайдоси бўлган бу зот кўплаб кўлэзма ва тошбосма асарлардан мумтоз шоир шеърларини жамлаб, аввал



Ёднома

Афсус, бу девонни олим ҳаёт-этирди. Олимнинг сўзбоши тарзидаги мақоласи, лугат, шарҳ ва изоҳлари улкан илм, кент дунёқараш маҳсулидир.

Биз у кишининг нусхалари асосида Машраб "Кулиёт"ни қайтадан нашрга тайёрлаб, чоп этишга муваффақ бўлдик. У киши яна Машрабнинг "Мабдаъи нур" дostonини марҳум олим Исмаилов Абдуллаевдан кейин қайтадан жорий имлога таъдил этиб чиқди. Бу дoston ҳазрати Мавлоно Жалолидин Румийнинг "Маснавийи маънавий" асарига татабуъ тарзида ёзилган бўлиб, муайян байтлар шарҳидан иборат экани илм аҳлига маълумдир. Камина дафтарларда қолган бу нусхани нашрга тайёрлаш жараёнида олдинги нашрларда йўл қўйилган саҳу нусхонлар теран билимдонлик билан тузатилиб, жиддий эътибор билан кўчирилганига шохид бўлдик.

Яна у киши Машрабнинг "Кимё" асарини ҳам араб имлосидан жорий ёзувга таъдил этган эди. Лекин олим бу нусхани ўз кутубхонасидан топа олмади ва кимга берганини ҳам эслаб олмади. Шояд, нусха топилса, бу нодир асар ҳам нашр этилиб, халқимизга етказилар эди.

Жалолидин Юсуфийнинг яна бир улкан хизмати бор. У киши хаттотлик санъати билан Машрабнинг турли баъзлардан тўплаган шеърларини араб ёзувида нодир ҳуснихатда кўчириб чиққан. Ҳозир бу қимматли кўлэзма олимнинг укалари — шоир ва адабиётшунослар олим Камоллидин Юсуф қўлида сақланади.

Биз ушбу нодир асарни ҳам жорий ёзувдаги матни билан бирга нашрга тайёрладик. Ўзбек китобхони бу олимнинг хизматлари натижасида Машраб ижодидан тўлиқ баҳраманд бўлиш, мумтоз шоирни яхшироқ таниш имконига эга бўлди.

Маълумки, мустамлака даврида (XX асрда) мумтоз шеърят, яъни қадимий девон адабиёти анъаналари асосида яширин ижод қилган ва маънавий хазиналари халққа етказилмай қолган шоирлар бор эди. Фаҳрий Марғиновий, Мирзо Камол Охунд, Фаҳрий Шайхисабзий, Йўлдошхўжа Доғий, Дадахоҳ Суҳайлий каби зотлар шулар жумласидандир. Булар орасида Самарқандда яшаб ижод қилган Ибни Давлат исмиди мумтоз шоир ҳам бор. Жалолидин Юсуфий бу зотнинг девонини араб ёзувидан жорий имлога кўчириб, нашрга тайёрлаган эди.

Афсус, бу девонни олим ҳаёт-этирди. Олимнинг сўзбоши тарзидаги мақоласи, лугат, шарҳ ва изоҳлари улкан илм, кент дунёқараш маҳсулидир.

Биз у кишининг нусхалари асосида Машраб "Кулиёт"ни қайтадан нашрга тайёрлаб, чоп этишга муваффақ бўлдик. У киши яна Машрабнинг "Мабдаъи нур" дostonини марҳум олим Исмаилов Абдуллаевдан кейин қайтадан жорий имлога таъдил этиб чиқди. Бу дoston ҳазрати Мавлоно Жалолидин Румийнинг "Маснавийи маънавий" асарига татабуъ тарзида ёзилган бўлиб, муайян байтлар шарҳидан иборат экани илм аҳлига маълумдир. Камина дафтарларда қолган бу нусхани нашрга тайёрлаш жараёнида олдинги нашрларда йўл қўйилган саҳу нусхонлар теран билимдонлик билан тузатилиб, жиддий эътибор билан кўчирилганига шохид бўлдик.

Яна у киши Машрабнинг "Кимё" асарини ҳам араб имлосидан жорий ёзувга таъдил этган эди. Лекин олим бу нусхани ўз кутубхонасидан топа олмади ва кимга берганини ҳам эслаб олмади. Шояд, нусха топилса, бу нодир асар ҳам нашр этилиб, халқимизга етказилар эди.

Жалолидин Юсуфийнинг яна бир улкан хизмати бор. У киши хаттотлик санъати билан Машрабнинг турли баъзлардан тўплаган шеърларини араб ёзувида нодир ҳуснихатда кўчириб чиққан. Ҳозир бу қимматли кўлэзма олимнинг укалари — шоир ва адабиётшунослар олим Камоллидин Юсуф қўлида сақланади.

Жалолидин Юсуфийнинг яна бир улкан хизмати бор. У киши хаттотлик санъати билан Машрабнинг турли баъзлардан тўплаган шеърларини араб ёзувида нодир ҳуснихатда кўчириб чиққан. Ҳозир бу қимматли кўлэзма олимнинг укалари — шоир ва адабиётшунослар олим Камоллидин Юсуф қўлида сақланади.

Мирзо КЕНЖАБЕК

Сўзлар билан сўзлашув

МИС ЧАҚА ВА ЧАҚАЛОҚ

Тилимиздаги "чақа" сўзида "жуда кичик" мазмунини ифодаловчи маъно бор. Мис, жез каби маъдандан зарб қилинган танга маъносидеги "чақа" сўзи ҳам энг кичик пул бирлигини англатади. Бир тийинни ҳам чақа дейишган. Чақа жуда майда пул бўлгани учун қиммати жуда паст саналган. Шунинг учун арзимас, майда нарсаларни "бир чақа", "бир чақага арзимайди" дейиш урф бўлган.

"Бола-чақа" бирикмасидаги "чақа" сўзи ҳам "кичик бола" мазмунида келадди. Лекин бу ерда "чақа" сўзи арзимас, майда мазмунини эмас, қимматли маъносини билдиради. Шунинг учун одамларимиз ҳол-аҳвол сўрашганда, аввало, бола-чақани сўрашади. "Бола-чақа" бирикмасига "чақа" сўзининг "жуда кичик" маъноси асос бўлган. "Чақалоқ" сўзи шундан ҳосил бўлган. "Чақалоқ" сўзидаги "лоқ" қўшимчаси "қизалоқ", "тойлоқ" сўзларидаги каби янада кичрайтириш ва эркалитиш учун қўшилган.

Лекин "Ўзбек тилининг этимологик лугати"да танга маъносидеги "чақа" сўзи "мис парчаси" маъносини англатади дейилган. Барбиров, бу изоҳда ҳам кичкина мазмуни бор. Чунки парча ва бўлак кичик бўлади.

Тўқол Ёки Шохсиз Хотин

Қишлоғимизда аёллар "шўр тўқол" деган иборани айтиб қўлишарди. Тўқол нима ўзи, нима учун шўр, буларни билмасдим. Лекин "шўр тўқол" иборасини қайсидир бир хотинга қарата айтишганини билардим. "Тўқол" сўзи менга ҳаммаша ёқимсиз ва хунук эшитилган.

Тўқол сўзи ҳозир тилимизда кам ишлатилади. Лекин халқ озаки ижоди намуналарида, дostonларда унга кўп дуч келасиз. Ўтмишда хотин устига олинган иккинчи хотинга нисбатан "тўқол" сўзи қўйилган.

"Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да бу сўзнинг яна бир "шохи йўқ, шохсиз" деган маъноси борлиги ҳақида ҳам айтилган. Балки бу сўзнинг икки хил маъносиде ҳам қандайдир боғлиқлик бордир. Гарчанд, "иккинчи хотин" билан "шохи йўқ" сўзлари ўртасида мувофиқлик сезилмаса-да, бу ерда қандайдир рамз яширинган бўлиши мумкин. Чунки биринчи хотинга нисбатан иккинчи хотиннинг ҳуқуқлари анча чекланган бўлган. Биринчи хотин уйга эгалик борасида устуликка эга бўлган.

АЖРИҚ

Ажриқ кўпйиллик, серилдиз ўсимлик. "Ўзбек тилининг этимологик лугати"да "ажриқ" сўзининг туб илдизи "ажрат" сўзига бориб тақалиши ҳақида айтилган. Эҳтимол, бунга ажриқнинг ер бағирлаб тармоқланиб ўсиши сабаб бўлгандир. Бу ўсимлик бир илдиздан бино бўлиб, ҳар томонга ёйилиб, шохларга ажралиб, илдиз отиб кетаверди. Шунинг учун у — ажриқ.

Ажриқ ниҳоятда чидамли ўсимлик, яшовчанлик борасида бунақасини топиш қийин. Уста Жўра деган кадрдонимдан эшитганманки, ажриқ айтар экан: "Агар қирқ йил лайлакнинг уясида ётсам-да, бир кун ерга тушиб, бағрим сувга тегса, бас, кўкараман". Биласиз, лайлак уясини ердан жуда баланд жойларга қўяди. Сирдарё далаларида юқори қувватли симлар тортилган энг баланд симёёчлар устидаги лайлак уяларига қўзингиз тушган бўлиши мумкин.

Ажриқ шунчалар чидамли ва тиришқоқки, ҳатто асфалтни ҳам, бетонни ҳам ўйиб чиқиб кетади, ерга, сувга бағри тегса бас, йўл топади. Бундан кўп йиллар бурун Ёзувчилар уюшмасидаги бир йигинда таниқли адиб Одил Ёқубов ёш қаламашларга қарата бир гапни айтгани ҳеч эсимдан чиқмайди. Одил ака шундай деганди: "Ижодкор ажриққа ўхшаши керак. Зарур бўлса бетонни ҳам тешиб чиқиб кетиши керак".

Маҳмуд Қошғарий ҳам, Алишер Навоий ҳам бу сўзни ишлатганлар. Қошғарий араблар бу ўсимликни ("azriq"ни) "сил" дейдилар деган ва "Девон" ҳошиясида бунга шундай изоҳ берилган: "Ўт йиғувчи табибилаш илм ўз вақтида териб оладилар. Бир турли шиш(совуқдан бўлган шиш), истиско касалига фойдалидир, қовуғига тош келганлар уни ичадилар, у қовуқдаги тошларни эритиб юборади ва ювиб кетади".

Қошғарийда яна шундай изоҳ бор: *ajriq* — ажриқ; у юмшоқ бир ўт. Турклар *azriq* дейдилар. Ўғузлар "a" харфини "й"га алмаштирадилар.

Навоийнинг "Сабаъи сайёр" дostonида "ажриқ" шундай келади: *Орада бўлган ўлса туфроқ рус, Асраган бўлса ажриқ ани дуруст.*

Эшқобил ШУКУР

